РАДИКАЛИЗМ ТУШУНЧАСИ, КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ҲАМДА ОЛДИНИ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

ПОНЯТИЕ РАДИКАЛИЗМА, ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И АНАЛИЗ ВОПРОСОВ ПРОФИЛАКТИКИ

CONCEPT OF RADICALISM, CAUSES AND ANALYSIS OF ISSUES RELATED TO PREVENTION

O‘KTAMOV AKBAR NODIROVICH
Researcher
akbar.uktmov.80@bk.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2024/2/9

Аннотация: *Радикаллашув масаласи умумэътироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатда бўлиш, кескин ҳаракатларни ёқлаб чиқиш билан боғлиқ жараёндир. Бу масалага эътибор қаратилмаса, жамиятда бир қатор салабий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу мақолада радикализм тушунчаси ва мазмун-моҳияти, радикализмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омиллар ҳақида атрофлича баён қилинган. Хусусан, жамиятда диний эътиқодларнинг нотўғри талқини ҳамда экстремистик мафкураларни тарқалиши ёшларни радикаллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши очиб берилган.*

Ушбу мақолада бугунги кунда ёшларнинг Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали экстремистик ғоялар ва адашган диний эътиқодлардан таъсирланиши уларнинг радикаллашувига таъсир этувчи асосий жиҳатлардан экани таъкидланган.

Шунингдек, мақолада ислом динида радикаллашув жараёнига муносабат масаласи Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар асосида таҳлил қилинган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида радикал ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган – экстремизм ва терроризмга нисбатан белгиланган ҳуқуқий жазо чоралари норматив-ҳужжатлар асосида тушунтириб берилган.

Калит сўзлар: *диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар, диний конфессия, радикаллашув тушунчаси, мутаассиблик, интернет ва ижтимоий тармоқлар, тарбия, ислом дини, илм, ваҳҳобийлик ҳаракати, фосиқ, кофир, ҳижрат, жиҳод.*

Аннотация*: Вопрос радикализации – это процесс, связанный с совершенно противоположным отношением к общепринятым традициям, пропагандирующим решительные действия. Если этот вопрос не решить, это может вызвать ряд негативных последствий в обществе. В данной статье подробно раскрыты понятие и сущность радикализма, факторы, вызывающие возникновение радикализма. В частности, выявлено, что неверное толкование религиозных убеждений и распространение экстремистских идеологий в обществе являются пусковым фактором радикализации молодежи.*

Кроме того, отмечено, что доступность экстремистских идей и заблуждающихся религиозных воззрений для современных молодых людей посредством Интернета и социальных сетей является одним из основных факторов, влияющих на радикализацию молодёжи. Также в статье на основе Священного Корана и хадисов анализируется вопрос реакции на процесс радикализации в исламской религии. При этом на основе нормативных документов разъясняются правовые санкции в законодательстве Республики Узбекистан, направленные против экстремизма и терроризма, чьё появление потенциально возможно под влиянием радикальных идей.

Ключевые слова: *реформы в религиозной и образовательной сфере, религиозная конфессия, концепция радикализации, фанатизм, интернет и социальные сети, образование, исламская религия, наука, ваххабитское движение, извращенец, неверный, миграция, джихад*

Abstract*: The issue of radicalization is a process related to a completely contrary attitude to generally accepted traditions, advocating drastic actions. If this issue is not addressed, it can cause a number of negative consequences in society. This article describes in detail the concept and essence of radicalism, the factors that cause the emergence of radicalism. In particular, it was revealed that misinterpretation of religious beliefs and the spread of extremist ideologies in society serve as an important factor in the radicalization of young people.*

This article states that exposure of young people today to extremist ideas and misguided religious beliefs through the Internet and social media is one of the main factors influencing their radicalization. Also, in the article, the issue of reaction to the process of radicalization in the Islamic religion is analyzed on the basis of the Holy Qur'an and hadith. At the same time, the legal sanctions against extremism and terrorism, which may arise under the influence of radical ideas, are explained on the basis of normative documents.

Keywords: *reforms in the religious and educational sphere, religious confession, the concept of radicalization, fanaticism, Internet and social networks, education, Islam religion, science, Wahhabi movement, transgressor, infidel, migration, jihad.*

КИРИШ

Янгиланаётган Ўзбекистонда муҳтарам Президентимиз бошчиликларида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар, янгиликлар, ўзгаришлар

амалга оширилмоқда. Жумладан, диний-маърифий соҳа ҳам тубдан такомиллаштирилди, диний таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, хусусан янгидан-янги таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Янги Ўзбекистон шароитида дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди, “Мир Араб” мадрасаси олий маҳад даражасига кўтарилди, ҳадис илмларидан таълим берадиган Марказий Осиёда ягона Ҳадис илми мактаби очилди. Шу билан бирга, мамлакатимизда диний таълим беришга ихтисослашган Тошкент ислом институти ҳамда 10 та ўрта махсус ислом билим юрти, православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда (Диний таълим борасида батафсил маълумотга эгамизми?, 2021).

Бундан ташқари, ҳудудларда махсус илмий мактаблар ҳам ташкил этилган бўлиб, уларда ислом дини таълимотлари ўрганилади, жумладан, Фарғонада “Фиқҳ”, Самарқандда “Калом” ва “Ҳадис”, Қашқадарёда “Ақида” ва Бухорода “Тасаввуф” мактаблари ўз тингловчиларига эгадир.

Шунингдек, юртимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга мўлжалланган илмий-тадқиқот марказлари ҳам фаолият олиб бормоқда.

Фуқароларнинг Қуръони каримни ўрганиш юзасидан хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида республикада фаолият олиб бораётган диний таълим муассасалари, илмий мактаблар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг айрим вилоят вакилликлари қошида, шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Қуръони карим ва тажвид” курслари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур курсларни ҳозирги кунга қадар 30 мингдан ортиқ тингловчи тамомлади.

Юртимиз мусулмонлари учун ибодатларни эркин адо қилишларида янгидан-янги масжидлар бунёд қилиш ва таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бугунги кунда Республика бўйича жами 2134 та масжид фаолият олиб бормоқда, шундан 2081 та жоме ва 53 та маҳаллий масжидлар фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Сўнги икки йилликда 100 дан ортиқ масжидда тубдан қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ҳозирда 321 та масжидда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, ҳукуматимиз сайъ-ҳаракати билан мустақиллик йилларида жами 350 мингдан зиёд юртдошларимиз Ҳаж ва Умра зиёратларини амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар. 2018 йилдан бошлаб Умра ибодатини амалга ошириш бўйича квота тушунчаси бекор қилиниши билан аҳолимиз истаган маҳал Равзаи муборакни кўриш ҳамда Каъбаатуллоҳни тавоф қилиш бахтига мушарраф бўлдилар. 2022 йилда Ҳаж ибодатини амалга ошириш учун мамлакатимиздан 12 мингта 2023 йилда эса 15 минтадан ортиқ зиёратчиларимиз муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларига бордилар (Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йилдаги фаолияти таҳлили, устувор вазифалар ижроси , 2024).

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан минглаб маҳкумларнинг афв этилиши, фуқароларнинг турли рўйхатлардан чиқарилиши, шунингдек, “Меҳр” операциялари доирасида можароли ҳудудлардан **500 дан** ортиқ аёллар ва ёш болаларнинг юртимизга олиб келиниши, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тартибининг соддалаштирилиши юқори даражадаги ислоҳотлар сифатида **экспертлар** томонидан эътироф этилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон кўп миллатли ва турли дин вакиллари эркин истиқомат қиладиган ҳудуд ҳисобланади. Ҳозир 130 дан миллат вакиллари ва 16 та расмий диний конфессиялар дўстона муҳит ва барқарор тотувлик ҳолатида биргаликда яшамоқдалар. Бу ҳам бир неъмат бўлиб, барча дин вакиллари буни юксак ифтихор ила эътироф қилмоқдалар.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин ғоялар кураши авж олган XXI асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага келаётгани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг кун сайин пайдо бўлаётгани ва бунинг натижасида бузғунчи ғоялар мафкура майдонини қуршаб олаётгани барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб этмоқда.

Ҳозирги кунда дин ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўзларининг ғаразли мақсадларидан келиб чиқиб, ислом таълимотининг айрим ғоя ҳамда тамойиллари мазмун-моҳиятини бир ёқлама, таассубга берилиб нотўғри изоҳлашга ва одамларни ҳидоят йўлидан адаштиришга уринмоқда. Шу

билан бирга юртимиздаги миллатлараро тинчлик, конфессиялараро тотувликни тугатиш, ҳукумат томонидан диний соҳада амалга оширилаётган ҳаракатларни тўхтатишга интилаётган турли диний оқимлар мавжудки, улар замонавий технологиялар, хусусан интернет имкониятларидан фойдаланган ҳолда барқарорлигимизга таҳдид солишга киришганлар. Сохта ғоя ва нафрат ҳис-туйғулари билан йўғрилган тоифалар, фирқалар, оқимлар инсонларнинг тинчлиги, мамлакатларнинг хавфсизлиги, жамиятларнинг барқарорлигига раҳна солган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшларни радикализм ва диний мутаассиблик каби иллатлар гирдобига тортишга интилмоқдалар.

УСЛУБЛАР

Аҳоли радикаллашувининг олдини олиш ҳамда диний масалаларда таассубга берилиб қолишига йўл қўймаслик учун энг аввало, бу тушунчаларнинг моҳиятини англаб етиш ва унга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Радикализм (яъни, лотин тилида “radix” – илдиз маъносида қўлланилган бўлиб) у 1802 йилда Буюк Британиянинг Оксфорд луғатида қайд қилинган (М., 1988). Унга кўра, бу муайян шахс ёки гуруҳнинг мавжуд ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳолатни тубдан ва муросасиз ўзгартириш истагидан иборат жараёндир. Замонавий мутахассислар радикализм тушунчасига тўлиқроқ таъриф беришди (Муаллифлар жамоаси, 2013). Хусусан, радикализм умумэътироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатда бўлиб, кескин ҳаракатларни ёқлаб чиқади ҳамда унга хос бўлган хусусиятлардан бири ижтимоий ҳаётнинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини ҳал қилишда зўрлик усулидан фойдаланишга мойилликдир, дейишган. Шу билан бирга радикализм ғояси тарафдорлари тинч йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлган оддий муаммоларни ечишда бундай куч, зўравонликдан фойдаланишга интилади.

Таъкидлаш лозимки, радикализм жараёнлари диний йўналишда намоён бўлиши ҳам мумкин ҳамда у диний фанатизм, яъни мутаассиблик сифатида тушунилади. “Мутаассиблик” сўзи араб тилидаги “таассаба” феълидан келиб чиққан бўлиб, “ашаддий бўлиш”, “ҳаддан зиёд берилиш” маъноларида қўлланилади (Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари, 2015). Ғарб мамлакатларида мутаассиблик “фанатизм” сўзи орқали ифодаланади. Мазкур иборага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, матаассиблик маълум бир мафкура ва қарашларга, айниқса, диний-фалсафий, миллий ва сиёсий соҳаларда ҳаддан зиёд, кўр-кўрона ва ҳиссиётларга берилиб эргашиш ва уларга амал қилиш, қандайдир тушунчалар, эътиқод ёки дунёқарашга кўр-кўрона содиқлик ҳисси сифатида таърифланади.

Онги заҳарланган ва мутаассибга айланган кишилар ўзлари қилаётган ишларни тўғри деб ҳисоблаб, ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар. Ваҳоланки, уларни бу йўлга бошлаган “раҳнамолар”нинг асл мақсади моҳиятан ғайриинсоний характерга эга. Мутаассибликнинг жирканч башараси дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган қўпорувчилик ва хунрезлик воқеаларида яққол намоён бўлмоқда.

Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам мутаассиблик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, динни нотўғри талқин қилиш билан одамлар орасига нифоқ солиш, қўпорувчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришга уринишларда намоён бўлмоқда.

Демак, диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосий сабаби мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди (Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари, 2015).

ТАҲЛИЛ

Ҳозирги кунда радикализм ва мутаассиблик иллатларининг ёшлар орасида шаклланишига йўл қўймаслик лозим. Бунда мазкур салбий ҳодисанинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи бир неча омилларни аниқ билиб олишимиз керак. Хусусан:

– Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали экстремистик ғоялар ва адашган диний эътиқодлардан таъсирланиш, уларнинг фирқларига ишониш, ҳимоя қилиш радикаллашувдаги етакчи элементга айланади;

– таълим ва танқидий фикрлашнинг йўқлиги: сифатли (ҳам диний ҳам дунёвий) таълим олиш имкониятининг чекланганлиги, танқидий фикрлаш кўникмаларининг йўқлиги ёшларни экстремистик мафкураларни мулоҳаза қилмасдан қабул қилиш даражасини орттиради;

– оилада берилган нотўғри тарбия (авторитар, эзувчи, ўта қаттиқ назорат қилувчи ёки ҳеч бир назоратсиз ҳамма нарсага рухсат этилгани ва бошқ.) ҳам ёшларнинг радикаллашувига олиб келади;

– жамиятда диний эътиқодларнинг нотўғри талқини ҳамда экстремистик мафкураларни тарқалиши ёшларни радикаллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади;

– ижтимоий-иқтисодий омиллар: қашшоқлик, ишсизлик ва имкониятларнинг етишмаслиги радикаллашувга қулай замин яратади;

– ёшларнинг ҳаётий муаммолаларини кўриб чиқмаслик ва уларни жамиятда камситилишига йўқ қўйиб бериш ҳам ёшларда радикаллашув аломатларининг шаклланишига сабаб бўлади;

– ёшларни жамиятдан ажралиб қолиши ва мутассиблашувига шароит қолдирилиши уларни ўз қобиғига ўралиб қолиши ҳамда радикаллашувга мойилигини оширади;

– сиёсий ва геосиёсий омиллар: сиёсий беқарорлик, можаролар ва геосиёсий кескинликлар радикаллашув учун қулай муҳит яратиши мумкин. Ушбу омиллар таъсир кўрсатадиган минтақаларда ўсаётган ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига мойиллиги ортади.

Бундан ташқари, ёшлардаги тажрибасизлик ва ҳиссиётга таянган ҳолда иш юритиши, ташқи таъсир натижасида руҳий ҳолатининг ўзгарувчанлиги; руҳий тушкунликка тез тушиши ва руҳий зарбаларга чидамсизлиги; яқинлари эътиборидан бутунлай четда қолиши; ўта қизиқувчанлик ҳамда ахборотларни тўлақонли таҳлил қилмаслик, ишонувчанлик каби қатор омиллар радикаллашув жараёнига хизмат қилиши мумкин (Н.Ахмедов., 2023).

Ўзбекистон шароитида ёш ўсмирларнинг диний таълим олиш мақсадида чет давлатларга чиқиб кетиб, норасмий хорижий таълим муассасаларида ёки шубҳали шахслардан диний сабоқлар олишлари ҳам радикаллашув жараёнларини кучайтирувчи омиллардан саналади.

Диний мутаассибликни юзага келишига сабаблари ҳам мавжуд бўлиб, уларни қуйида келтириб ўтишимиз зарур. Жумладан:

– мутаассиблик руҳий зўриқиш, болалик давридаги қаттиқ меъёрларига кечиктирилган жавоб, шахсда ўзини ҳақ эканини яширин ёки онгли равишда тасдиқлаш истагининг юқорилиги;

– тез ўзгарувчан ҳаёт шароитига мослаша олмаслик, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилолмаслик, танқидий фикрлашнинг йўқлиги, ҳиссиётлар таъсири остида ҳаракат қиладиган, ўз дунёқараши ва фикри шаклланмаганлиги;

– маълум бир объектга нисбатан муккасидан кетган ҳолда интилиш ва берилувчанлик, ўз-ўзини идентификация қилишнинг сустлиги ва шахсий ҳаётининг бузилиши ва эмоционал эҳтироснинг шахсда “турғун” сифат касб эта бошлаши;

– мутаассиб онгнинг рационал онгга қарама-қарши бўлиши ва улар ўртасидаги зиддиятлар;

– жамиятда хурфикрлик, пулюларзим ва демократиянинг бўғилиши натижасида шаклланган норозилик кайфияти;

– анъанавий жамиятларга хос бўлган барқарор ижтимоий тузумлар, тамойиллар, устувор йўналишлар, қадриятлар ҳамда ахлоқий меъёрларнинг емирилиши натижасида вужудга келган маънавий бўшлиқлар;

– аввалдан мавжуд бўлган тартиб ва ақидаларга киритган ўзгаришлари сабабли эскилик тарафдори бўлган шахсларнинг норозилиги;

– динларга оид муқаддас манбаларни мафкуралаштириш мақсадига қасдан нотўғри талқин қилиш;

– жамиятдаги кундалик муаммоларнинг бартараф этилмаслиги, шахс қадр-қимматининг камситилиши, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизлик натижасида шахсларда мавжуд ҳокимият ва атрофдаги инсонларга нисбатан норозилик кайфиятининг шаклланиши;

– жамиятдаги муайян тарихий воқеалар, урушлар, йиллар давомида ҳукмрон бўлган империя ва тузумларнинг қулаши натижасида вужудга келган кескин тарихий-ижтимоий вазиятлар.

НАТИЖА

Маълумки, ислом дини радикализм ва мутаассибликни тўлиқ қоралайди. Муқаддас динимиз тинчликни қадрига етиш, миллатлараро ва динлараро бағрикенг бўлиш бўлишга доим чақиради.

“Ислом” сўзининг ўзаги “салом” бўлиб, тинчлик, сулҳ маъносини англатади. Бунга далил сифатида бир аслга мансуб одамлар ўртасида хавфсизликни таъминлаши, фаровонлик ва ҳамкорликни англатиши ҳамда эзгуликка чорлашини келтириш мумкин. “Салом” сўзи Қуръоннинг 30 дан ортиқ жойида такрорланган. Шунинг билан бирга, у Аллоҳ таолонинг исмларидан биридир”. Қуръоннинг 50 дан зиёд сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликка ва бағрикенгликка чақирилган (Мансур, 2020).

Ислом ўзидан аввалги динларни (яҳудийлик, насронийлик) эътироф этибгина қолмасдан, уларнинг маданият ва анъаналарига эҳтиром билан қарашга ҳамда улар билан адолатли муносабатда бўлишга буюрган.

Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятининг ўзидаёқ Аллоҳ таоло “Ўқи!” деб амр қилди.

“Илм” сўзи турли маъноларда Қуръонда 800 дан

ортиқ такрорланиши унинг ўрни қанчалик юқори эканини кўрсатади (И.Иномов, 2018).

Ҳазрати Али (р.а.) айтадилар: “Илмсиз ибодатда, фаҳмсиз илмда ва тафаккурсиз қироатда яхшилик йўқдир” (Доримий, 1996).

Имом Бухорий таъкидлаганларидек: “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”.

Афсуски, ҳозирги кунда кўплаб соҳа мутахассислари диний радикализм иборасини айнан ислом дини билан боғлаган ҳолда қўллашининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Маълумотларга кўра, радикализмни ислом дини билан боғлаб кўрсатиш XIX аср ўрталарида Арабистон ярим оролидаги ваҳҳобийлик ҳаракати, XX аср бошларида Яқин Шарқда салафийлик ғоясининг тарқалиши, 1979 йилда Эрондаги тузумнинг ўзгариши ҳамда кейинги даврда куч ва зўравонлик ишлатиб, ҳокимият ўрнатишни мақсад қилган жангари гуруҳлар (“Ал-Қоида”, “Ҳизбаллоҳ”, “Толибон”, ИШИД ва бошқалар)нинг юзага келишида пайдо бўлган.

Динимизни ниқоб қилиб олган гуруҳларнинг мафкурасида “такфир”, яъни “кофирга чиқариш” тамойили муҳим ўрин тутади. “Такфир” – мусулмонни иймонсизликда айблаш демакдир. Улар ўзига эргашмаган мусулмонларни “кофир”, яъни “ислом динидан чиққан” деб асоссиз ҳукм чиқаради. Ваҳоланки, мусулмонни кофирликда айблаш ниҳоятда оғир гуноҳ ҳисобланади. Пайғамбаримиз (с.а.в)дан келган ҳадисларида шундай дейилади: “Агар киши биродарига “Эй кофир”, деса, у (сўз) иккисидан бирига қайтади” (Илмдан бошқа нажот йўқ, 2015).

Абу Заррдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз бундай деганлар: “Ҳеч бир киши бошқа кишини фосиқ, кофир, деб айбламасин. Агар у киши бундай бўлмаса, айтган гапи ўзига қайтиб келади” (Имом Бухорий ривояти). Жумҳур калом ва фиқҳ уламолари иттифоқига кўра, қибла аҳли бўлган мусулмонни кофирга чиқармаслик керак. Абу Ҳанифа (р.а) қибла аҳлларидан бирор кишини кофирга ҳукм қилмаганлар.

Бундан ташқари, мутаассиб жамоалар ҳаддидан ошириб ёшларни “ҳижрат” қилишга, яъни уларнинг ғояларига қулоқ солмайдиган юртлардан кўчиб ўтишга даъват қилмоқдалар. “ҳижрат килмаганлар кофир”, “кофир юртда яшаш куфр” деган сохта ва бузуқ даъволар билан ёшларимизни алдаб, хориждаги жангариларнинг сафларига жўнатишга ҳаракат қилмоқда. Ҳақиқатда эса, “... Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Макка фатҳидан кейин ҳижрат йўқ...”, дедилар” (Имом Бухорий, 3078-3079-ҳадислар). Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъатининг 2021 йил 20 июлдаги “Ҳижрат ва унга тегишли ҳукмлар ҳақида фатво”сида: “Мусулмонлар тинчлик ва хотиржамликда, ибодатларини тўла-тўкис бажариб турган диёрдан мусулмонлар ўзаро урушаётган, одамларнинг жони, моли ва номуси хатарда бўлган ҳудудларга боришлари “ҳижрат” ҳисобланмайди, балки фитнага аралашиб қолиш саналади ҳамда шаръан ман этилади”, дейилган (Фатво-ҳайъати, 2021).

Радикал ва диний мутаассиб жамоалар “Жиҳод” атамасидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Уни муқаддас урушга ёки қурол кўтариб одамларнинг қонини тўкишга тенглаштирмоқдалар. Аслида эса “жиҳод” сўзи “Жидду-жаҳд”, яъни инсон ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, ҳаракат килиши маъносини англатади. Шунинг учун, Имом Термизий, Ибн Ҳиббон ва Дайламий ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳу (с.а.в) томонидан: “Жиҳоднинг афзали Аллоҳ таолонинг зотида ҳавои нафсингга қарши жиҳод қилмоғингдир”, дейилган эди.

Шунингдек, ҳаддидан ошган ва динни ниқоб қилган гуруҳлар иддоасида “халифалик” давлатини қуриш ғояси ҳам кўп айтилади. “Халифа” сўзи араб тилида “ўринбосар” маъносини англатади ҳамда бу тушунча ислом тарихида Пайғамбар (с.а.в)дан кейин мусулмон жамоасига етакчи бўлган 4 та энг ҳурматли ва ишончли кишилар, яъни Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (р.а)ларнинг ҳукмронлик даврларига нисбатан айтилади. Сабаби, Расулуллоҳ (с.а.в) ҳадисларида: “Халифалик мендан сўнг ўттиз йил. Ундан сўнг подшолик ва амирлик бўлади”, дейилган (Ҳидоят ортига яширинган залолат, 2010). Шунга кўра, Абу Бакр икки йил, Умар ўн йил, Усмон ўн икки йил ва Али (р.а.) олти йил халифалик қилди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, радикализм ва диний мутаассиблик қарашларида аҳоли орасида парокандалик, давлат тузумини ағдариш ва хавфсизликка нисбатан таҳдид бўлгани учун бундай ҳаракатларга мамлакатимиз қонунчилигида тегишли тартиблар ва жавобгарлик акс этган. Хусусан, диний мазмундаги материалларни ноқонуний тарқалишини олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда шундай тартиб белгиланган: “184[2]-модда. Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш — материалларни ва

уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади".

Шунингдек, маъмурий жавобгарлик кодексининг қуйидаги моддаларида мамлакат тинчлигини таъминлашга қаратилган чоралар белгаланган:

184[3]-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш —

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

201-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг олтмиш бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг саксон бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

202[1]-модда. Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

241-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси , 1994).

Юқорида кўриб ўтилганидек, радикализм, ақидапарастлик ва экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаса ёки ушбу қилмиш биринчи марта содир этилаётган бўлса шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланади. Агар шу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бир йил давомида иккинчи бор содир этилса ёки ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлса бундай қилмиш учун жиноий жавобгарлик ҳам белгиланиши кўзда тутилган. Жумладан, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш (156-модда), жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш (216-модда), ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш (216[1]-модда), диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (216[2]-модда), йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш (217-модда), диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш (229[2]-модда), жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (244[1]-модда), диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш (244[2]-модда), диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш (244[3]-модда) каби ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси , 1994).

Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан тўрт юз баробаригача жарима, уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш, йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, шахс жиноий жавобгарликка тортилгач судланганлик ҳолати ҳам келиб чиқади.

Радикализм, ақидапарастлик ва экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг ўрнатилиши давлат томонидан белгиланган жамоат тартибини сақлаш, соғлом диний вазиятни таъмин этиш, жамиятда турли фитна ва адоват, айримачилик ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади. Энг асосийси, ҳар қандай жавобгарлик ва жазонинг мақсади нафақат жазолаш, балки ҳуқуқбузарни тўғри йўлга бошлаш, одамларда

жазонинг муқаррарлигига ишончни мустаҳкамлаш ҳамда келажакда бундай қилмишларнинг олдини олишга қаратилгандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. M., Neumann. (1988). What's Left?: radical politics and the radical psyche. Peterborough, Canada: Lewiston (N.Y.).
2. Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йилдаги фаолияти таҳлили, устувор вазифалар ижроси (10 Январь 2024 й.). URL : https://religions.uz: https://religions.uz/news/detail?id=1994
3. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари. (2015). Тошкент : Тошкент ислом университети.
4. Диний таълим борасида батафсил маълумотга эгамизми? (2021). URL : https://religions.uz: https://religions.uz/news/detail?id=1570
5. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. (2013). Тошкент: ТИУ.
6. Доримий, И. (1996). Сунан Доримий. Байрут : Дор ал-Кутуб ал-илмия.
7. И.Иномов. (25 августь 2018 й.). Илм – нажоткор куч. URL : old.muslim.uz: http://old.muslim.uz/index.php/english/maqolalar/item/7628
8. Илмдан бошқа нажот йўқ. (2015). Тошкент: Тошкент ислом университети.
9. Мансур, А. (2020). Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент : Sano-Standart.
10. Муаллифлар жамоаси. (2013). Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. (З.Исломов, Ред.) Тошкент: Тошкент ислом университети.
11. Н.Ахмедов. (7 июль 2023 й.). Радикализм хатари. URL : https://mirarabmadrasa.uz/uz/news/365.
12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси . (22 сентябрь 1994 й.). URL : https://lex.uz/docs/111453
13. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси . (22 сентябрь 1994 г.). URL : https://lex.uz/docs/97664
14. Фатво-ҳайъати. (20 августь 2021 й.). Ҳижрат ва унга тегишли ҳукмлар ҳақида фатво. URL : uz: http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/28315
15. Ҳидоят ортига яширинган залолат. (2010). Тошкент : Тошкент ислом университети.

REFERENCES:

1. M., Neumann. (1988). What's Left?: radical politics and the radical psyche. Peterborough, Canada: Lewiston (N.Y.).
2. Din ishlari bo'yicha qo'mitaning 2023 yildagi faoliyati tahlili, ustuvor vazifalar ijrosi.(10 yanvar 2024 y.).https://religions.uz: https://religions.uz/news/detail?id=1994
3. Diniy mutaassiblik: mohiyat, maqsadlar va oldini olish yo'llari. (2015). Toshkent: Toshkent islom universiteti.
4. Diniy ta'lim borasida batafsil ma'lumotga egamizmi? (2021). https://religions.uz: https://religions.uz/news/detail?id=1570
5. Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari . (2013). Toshkent: TIU.
6. Dorimiy, I. (1996). Sunan Doramiy. Bayrut: Dor al-Kutub al-ilmiya.
7. I.Inomov. (25 avgust 2018 y.). Ilm – najotkor kuch. old.muslim.uz: http://old.muslim.uz/index.php/english/maqolalar/item/7628
8. Ilmdan boshqa najot yo'q. (2015). Toshkent: Toshkent islom universiteti.
9. Mansur, A. (2020). Qur'oni Karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri. Toshkent: Sano-Standart.
10. Mualliflar jamoasi. (2013). Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari. (Z.Islomov, Red.) Toshkent: Toshkent islom universiteti.
11. N.Axmedov.(7 iyul 2023 y.). Radikalizm xatari. https://mirarabmadrasa.uz/uz/news/365.
12. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi. (22 sentyabr 1994 y.). lex.uz: https://lex.uz/docs/111453
13. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi . (22 sentyabr 1994 y.). lex.uz: https://lex.uz/docs/97664
14. Fatvo-hay'ati. (20 avgust 2021 y.). Hijrat va unga tegishli hukmlar haqida fatvo. old.muslim.uz: http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/28315
15. Hidoyat ortiga yashiringan zalolat. (2010). Toshkent: Toshkent islom universiteti.